

Тошкентдаги марказий масжидларга имом-хатиблар тайинланди



15:11 / 16.03.2023 2324

2023 йил 16 март куни пешин намозидан кейин Ўзбекистон мусулмонлари идораси, муфтий Нуриддин домла ҳазратлари Тошкент шаҳридаги "Минор" жоме масжиди имом-хатиби вазифасига Раҳматуллоҳ домла Сайфуддинов тайинланганини масжид жамоасига эълон қилдилар.

Шунингдек, Тошкент шаҳридаги қуйидаги марказий жоме масжидларга Ўзбекистон мусулмонлари идораси буйруғи билан янги имом-хатиблар тайинланди:

Чиғатой даҳасидаги "Имом Бухорий" масжиди имом-хатиби Садриддин домла Абдурашидов Олмазор тумани "Иброҳимбой Орифжонбой" жоме масжиди имом-хатиби вазифасига;

Кўкча даҳасидаги "Шайх Зайниддин" жоме масжиди имом-хатиби Яҳё домла Абдурахмонов Чиғатой даҳасидаги "Имом Бухорий" жоме масжиди имом-хатиби вазифасига;

"Минор" жоме масжиди имом-хатиби Абдуқаҳҳор домла Юнусов Тошкент шаҳри бош имом-хатиби вазифасидан ажралмаган ҳолда Кўкча даҳасидаги "Шайх Зайниддин" жоме масжиди имом-хатиби вазифасига тайинландилар.

ЎМИ Матбуот хизмати





